



Ўзбекистон — Хитой:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК
ВА ДЎСТЛИК
МУНОСАБАТЛАРИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 11 май куни давлат ташири билан Хитойга келди.

Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг қўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов бошлаб берган ўзаро дўстлик, мустақам ишончга асосланган ҳамкорлик негизига тараққий этмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган Қўшма баёнот ташкил қилади.

Маасур ҳужжатларнинг қабул қилиниши улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ниятда кенг қўламидир. Улар узоқ муддатли истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутуб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ва Хитой давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Президентимизни Хитойга биринчи давлат ташири билан самимий қутлади.

Сиз билан Пекинда учрашиб турганимдан гош хурсандиман. Бу йил давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлгани ҳамкорлигимизнинг бундан кейин ҳам жадал ривожланишига замин яратди. 2016 йилда Бухорода бўлганимда менга ҳамкорлик қилганларингиз учун самимий миннатдорлик билдирдим. Бугун барча соҳаларда ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётгани бизни қувонтиради, деди Си Цзиньпин.

ХХР Раиси Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев таклиф учун Си Цзиньпинга миннатдорлик билдирди ва бугунги музокара мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантқий давоми эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат қўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиш билдирганингиздан хурсандимиз. Ўзбекистон Хитойнинг қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади, деди Шавкат Мирзиёев.

Музокарада ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳусусида атрафлича фикр алмашилди.

Хитой Ўзбекистоннинг ҳаёт синовидан ўтган ишончли ҳамкоридир. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, миллий қадрият ва аъналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё ахлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан

биридир. Мамлакатимизда Хитой капитал иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган.

2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди. Хитой бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа товарларга талаб катта.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нефть-газ ва телекоммуникация тармоқларида, транспорт, тўқимачилик, кимё саноати ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналари, жумладан, Дехқонobod калийли ўғитлар, Қўнғирот сода заводлари қурилишида иштирок этди. ХХР тадбиркорлари кўмағида мамлакатимизда электр техникаси маҳсулотлари, мобил телефонлар, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Huawei» компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон минтақаларининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга ички ва хориж бозорларида талаб юқори.

Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. ХХР Миллий нефть-газ корпорацияси мамлакатимизда истиқболли углеводород конларини қидириш ва қазийш ишларида фаол қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Музокарада иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Музокарада якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Ҳукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро автомобиль катнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро нота-лар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида Англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича Англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташири давом этмоқда.

Абу Бакир ўРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Пекин шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН
ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикаимиз ўрмон ресурсларининг бой салоҳиятидан тўла-тўқис ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илғор илмий-техника ютуқларини жорий этиш, ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибига кирди.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Ўрмон хўжалиги соҳасида ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш;

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таҳлиллар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини амалий назорат қилиш;

Ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмон барпо этиш, уларни қайта тиклаш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш, ўрмонлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш;

республикаимизда ўрмонларни тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишлари бажарилишини ташкил қилиш;

Ўрмон фондини, фауна ва флорасини ўрганиш ҳамда уларнинг қатъий ҳисобини юритиш, ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш;

Ўрмонларни ёнғинлардан, зараркунанда ва касалликлардан, ноқонуний дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон қонунчилиги бузилишларидан муҳофаза қилиш;

манзарали ўсимликлар қўчатлари ва уруғларни сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни ташкил этиш;

Ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, қўчат етиштириш, доривор ўсимликлар тўплаш, асарчилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

тармоққа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш ва экологик туризмни кенг қўламда ривожлантириш;

Ўрмон хўжалиги соҳасида ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси таркибиде қўйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги бошқармаси негизиде Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси;

Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўрмон хўжалиги бошқармалари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжаликлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига идоравий бўйсунди.

Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларига ҳисобот беради;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари, шунингдек, Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжаликлари бошлиқлари вилоят ҳокимларининг тақдирномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази негизиде Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 11 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ



Пойтахтимизда бўлиб ўтган X Инновацион гоаялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5041-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Тошкент вилояти ҳокимлиги тасарруфидagi Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжаликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимининг сув хўжалиги ташкилотлари таркибидagi ирригация ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига берилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар ва бошқармалар ўрнатиш 1а-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 48 нафардан иборат марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси тузилмаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3- ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

давлат ўрмон хўжаликларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисига ходимларнинг белгиланган штат сони доирасида марказий аппарат тузилмасига, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари ва қўмита тизимига кирувчи бошқа ташкилотлар тузилмаларига ўзгариштирилар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни мувофиқлаштириш ва уни амалга оширишга қўмаклашиш Комиссияси 6-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси қошидаги Ўрмон хўжалигини

ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси этиб (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) қайта ташкил қилинсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетини ва Жамғарма маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларини — Жамғарма маблағлари;

Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармасини ҳамда давлат ўрмон хўжаликларини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетини маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетини маблағлари ва грантлар;

«Ўрмонлойд» давлат унитар корхонасини, «Шифобах» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказини — бюджетдан ташқари маблағлар;

Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетини маблағлари;

Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғини — Тошкент вилояти маҳаллий бюджетини маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати таъминоти харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрларида маблағ ажратилишини назарда тутсин, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Қуйидагилар:

2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, тармоққа илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини янгилаш, халқаро грантларни тармоққа жалб этиш чора-тадбирлари Дастури 7-иловага мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ўрмон майдонларини кенгайтириш (реконструкция қилиш), кўчлар етиштириш, доривор ўтлар

йиғиш, чорва моллари учун яйлов майдонлари ажратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича чора-тадбирлар 8-иловага мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида ўрмон майдонларини кенгайтириш (реконструкция қилиш), кўчлар етиштириш, доривор ўтлар йиғиш, чорва моллари учун яйлов майдонлари ажратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича чора-тадбирлар 9 — 19-иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида ўрмонларни яратиш ва экиш материалларини етиштириш бўйича чора-тадбирлар 9а — 19а-иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш прогноз кўрсаткичлари 9б — 19б-иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ва саноат маҳсулотлари етиштириш, шунингдек, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш прогноз кўрсаткичлари 9в-, 19в-иловаларга мувофиқ;

2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари кесимида доривор ўсимликлар етиштириш ва тайёрлаш прогноз кўрсаткичлари 9г — 19г-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларини раҳбарлари зиммасига 7 — 19 иловаларда кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш юзасидан масъулият юклансин.

8. 2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликлари томонидан манзарали ва мевали дарахтларнинг ниҳол ва кўчатларини етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 20-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларини икки ой муддатда 20-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликларида манзарали ва мевали дарахтларнинг ниҳол ва кўчатларини етиштиришнинг прогноз

кўрсаткичларини бажариш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалаларини комплекс раҳбарига тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритсин.

9. «Агробанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари, таркибий корхона ва ташкилотларига мазкур қарорда тасдиқланган Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда:

икки ой муддатда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, касб-хунар коллежларида ўрмон хўжалиги техникни мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни инноватга олган ҳолда, ўрмон хўжалиги тизими учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурларни тақдид қилиб чиқсин, таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда янги тахрирда ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин ҳамда 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб жорий этсин;

бир ой муддатда жадвал ишлаб чиқилсин ҳамда замонавий талаблар ва халқаро тажрибани инноватга олган ҳолда, касб-хунар коллежларида «ўрмон хўжалиги техникни» мутахассислиги бўйича ўқитиладиган махсус фанлар бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш ва чоп этишни таъминласин;

ўрмон хўжалиги учун кадрлар тайёрлаётган касб-хунар коллежларини йўналиш бўйича махсус билимга эга малакали ўқитувчилар билан мутахассисларга алоҳида эътибор қаратсин;

ўрмон хўжалиги бўйича кадрлар тайёрлашни амалга ошираётган касб-хунар коллежлари битирувчиларини бевосита танлаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга ёрдам берсин ва назоратни қучайтирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ўқув жараёнини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш, зарур ўқув ишлаб чиқариш базасини

шакллантириш мақсадида касб-хунар коллежларини 21-иловага мувофиқ шартнома асосида муайян давлат ўрмон хўжаликларига бириктириш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бириктирилган касб-хунар коллежларини уларга зарур бўлган ўқув-методик материаллар, асбоб-ускуналар, аваламбор лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги фундаментал, амалий ва инновацион давлат илмий-техника дастурларини шакллантиришда уларга қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, илмий лойиҳаларнинг киритилишини таъминласин:

республикамажннинг тупроқ-иқлим шароитларига тўлиқ мослашган ноёб манзарали, мевали дарахтлар, буталар ва доривор ўсимликларнинг касалик ва зараркундаларга чидамли янги, экспортбоп навларини яратиш;

ўрмон фонди ерларида дарахт кўчатларини экиш, парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш бўйича янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, агрегат ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

13. «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг буюртманомалари бўйича ўрмон фонди ерларида ўрмонларни кўпайтириш мақсадида дарахт кўчатларини экиш ва парваришлаш, ўрмон-мева маҳсулотлари ҳосилни йиғиб олиш, шунингдек, бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган техника, агрегат ва асбоб-ускуналарнинг белгиланган тартибда ишлаб чиқарилишини ва хўжалик юритувчи субъектларга лизинг асосида етказиб берилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорлигини кўпайтиришга йўналтирилган шамот

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 11 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат
қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат
қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатимизнинг ўрмон хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан, ноёб манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда доривор ўсимликларнинг кўпчилиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ўрмон фонднинг 300 дан ортиқ ўсимлик ва 180 дан ортиқ ҳайвон турлари «Қизил китоб»га киритилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши натижа-сида республикамизда ўрмон фонди ер майдони ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бугунги кунда давлат ўрмон фонди ерлари ҳажми республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 5,3 фоиздан ошмас эди.

Ҳозирги пайтда, республикамизнинг ўрмон фонди бир неча давлат ташкилотлари томонидан бошқарилмоқда. Бу эса ўрмон фондидан самарали фойдаланишда ягона давлат сиёсатини юритиш принципига мос тушмайди.

Бундан ташқари, соҳанинг моддий-техника базаси жисмонан ва маънавий эскиргани ва етарли даражада модернизация қилинмаётгани, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантларини соҳага жалб қилиш ишларининг сустлиги, ушбу тармоққа юқори малакали мутахассислар етишмаслиги, ўрмон қонунчилигидаги айрим меъ-ёрларнинг амалий аҳамияти ва уларни амалга ошириш механизми йўқлиги соҳа фаолиятини ривожлантириш, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу муносабат билан ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида кўзда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизда мустақил Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил қилиш йўли билан соҳани бошқариш тузилмасини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Худудларда ўрмон фонди ишларини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, жумладан, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ҳамда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўрмон хўжалиги бошқармаларини ташкил этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти ҳокимлиги ихтиёридаги Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, ўрмон хўжалиги соҳасига илмий ишланмалар, тавсия ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тузилмасида Манзарали бодорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази негизда

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти-ни ташкил этиш назарда тутилган.

Қайд этилган ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига илгари юкланган вазифалар билан бир қаторда, янгидан яратилган манзарали ўсимликлар навлари кўчатлари ва экиш материалларини сертификатлаш ва стандартлаштириш, уларни етиштириш ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, юқори қўшилган қийматли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ушбу соҳага халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш, ўрмон хўжалиги соҳаси ташкилотларини малакали олий, ўрта ва кичик бўғин кадрлари билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича ягона тизимини жорий этишга йўналтирилган қўшимча вазифалар юкланмоқда.

Ўрмон хўжалигини яқин истиқболда янада ривожлантириш мақсадида тасдиқланган: Ўрмон хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, илғор илмий-техника ютуқларини соҳага жорий қилиш, моддий-техника базасини янгилаш, соҳага халқаро молия институтларининг грантларини жалб этиш янада қучайтириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида 2017-2019 йилларда ўрмон майдонларини кенгайтириш (реконструкция қилиш), кўчат етиштириш, доривор ўсимликларни йиғиб олиш, чорва молларини боқиш учун яйловлар ажратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича чора-тадбирлар;

2017-2021 йилларда ўрмон хўжаликлари томонидан манзарали ва мевали дарахтларнинг ниҳол ва кўчатларини, жумладан, унаби, лимон ва ёнғоқ етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга.

Чора-тадбирларни ишлаб чиқишда яқин уч йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда амалга оширилаётган ишларнинг яқиний мақсади сифатида давлат ўрмон фонди ерларида, жумладан, дашт ва чўл худудларида янги ўрмонларни барпо этиш, қишлоқ хўжалиги экин ерлари атрофида ихота ўрмонларини тиклаш, республикамизда экологик муҳитни яхшилаш бўйича амалий база яратиш ишларини амалга ошириш назарда тутилди.

Республикада режали равишда pista плантациялари майдонларини кенгайтириш ҳисобида pista етиштиришни рағбатлантириш, талаб этиладиган миқдорда сифатли pista кўчатларини аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларида етказиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, pista етиштиришни кўпайтириш орқали нафақат импортни қисқартириш ва валютани тежашга, шунингдек, аҳолининг pista маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш ва pistaнинг бозордаги нархини пасайтиришга эришилади.

Қабул қилинган ҳужжатлар билан олий, ўрта махсус ва профессионал давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларининг ўрмон хўжалиги тизими учун малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган қисмини қайта қўриб чиқиш, профес-сионал касб-хунар коллежларида кадрларни тайёрлаш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда янги дарсликлар яратиш, ўрмон хўжалиги учун кадрлар тайёрлайдиган профессионал коллежларни малакали, махсус билимларга эга ўқитувчилар билан қучайтиришга эътибор қаратилган.

Қабул қилинган ҳужжатларда ўрмон хўжалиги тизими учун қадр тайёрлайдиган профессионал касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўзлари танлаган касб йўналишлари бўйича ишга жойлашишда қўмаклашиш ва назоратни қучайтириш юзасидан топшириқ берилган.

Ўқув жараёнини амалиёт билан узвий боғлаш, зарур ўқув ишлаб чиқариш базасини шакллантириш мақсадида ихтисослашган профессионал касб-хунар коллежларини аниқ давлат ўрмон хўжаликларига бириктириш юзасидан қарор қабул қилинган.

Фармон ва қарорнинг амалга оширилиши:

республика давлат ўрмон фондиди давлат томонидан бошқариш самарадорлигини оширади ва соҳа фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди;

ўрмон ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, кенг кўламли кўпайтиришни жорий этиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, саноат кўламини манзарали ва мевали дарахт ва буталар плантацияларини етиштиришни кенгайтиришни таъминлайди;

республикамажннинг тупроқ-иқлим шароитларига мослаштирилган манзарали дарахт ва бута ўсимликларини кўчатларининг янги навларини яратиш, илмий асосланган истиқболли технологияларни ишлаб чиқиш, экспортбоп кўчатларнинг янги навларини яратиш, селекция ишлари самарадорлигини оширади;

ўрмон фонди потенциалидан янада самарали фойдаланиш, худудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, қўшимча даромад олиш ва янги иш ўринлари яратишга эришилади;

доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлашга ихтисослашган ташкилотлар тузилишига эришилади;

истеъмол бозорининг қишлоқ хўжалиги, жумладан, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли то-варлари билан тўдйрилишини таъминлайди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
ФорумиТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК
ВА ХАВФСИЗЛИК — ИЗЧИЛ
РИВОЖЛАНИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда 11-12 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар — Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Беларусининг етакчи илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 2016 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган мажлиси янқуларини кўриб чиқди ва муҳокама этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, жумладан, ШХТ давлат раҳбарларининг шу йил июнь ойида Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган учрашуви ҳисобига олинган ҳолда минтақада хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестиция ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ШХТни кенгайтириш истиқболлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг 2015-2016 йилларда ташкилотга раислиги даврида ШХТ фаолиятининг самарадорлиги ва халқро нўфўзини ошириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилгани таъкидланди. Ўтган йилги саммитда имзоланган ҳужжатлар ташкилотнинг устувор йўналишларидаги фаолиятини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга доир амалий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

ШХТ Форумининг XII мажлиси кун тартибига мўвафиқ иштирокчилар ташкилотга Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши жараёнининг бошланиши 2016 йил июнь ойида Тошкентда ўтган юбилей саммитининг асосий ақнига айланганини ва бу ҳеч шубҳасиз, ташкилотнинг янги марраларга кўтарилгани ва ўз фаолиятининг янги босқичини бошлаганидан далолат беришини таъкидлади. Тошкентда Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислон Республикасининг мажбуриятлари тўғрисида имзоланган меморандумлар ШХТни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.

Мажлис доирасида бўлиб ўтган ялпи баҳс-мунозараларда томонлар ШХТга аъзо давлатларнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишга асосий ёндашувларини тасдиқлади. Ўшбу ёндашувларнинг асосий моҳияти шундан иборатки, Афғонистондаги қарама-қаршилиқни фақат сиёсий йўл билан, бир-бири билан қурашаётган томонларнинг ўзаро қелишувига эришиш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш жараёнига афғон халқини ҳам жалб этиш орқали ҳал этиш мумкин.

Мажлисида хавфсизликка раҳна соладиган анъанавий ва ноанъанавий хавф-хатарларга қарши қурашвиш бўйича қилинган саъй-ҳаракатларни қучайтириш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши қурашвиш, шунингдек, халқро ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳамкорликни қучураштириш зарурлиги кайд этилди. Жамиятда, авваламбор, ёшлар ўртасида радикаллашувнинг авж олишига қарши қурашвиш, диний экстремизм, этник ва ирқий мурасизлиқнинг олдини олишга доир чораларни қучайтириш муҳимлиги кайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қучураштириш ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Форум мажлиси катнашчилари савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини ошириш борасида минтақавий ҳамда минтақалараро қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон вакиллари анжуман катнашчилари учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тақдим этди. Мамлакатимизнинг иқтисодий янада эркинлаштириш, ҳорижий

инвестицияларни жалб қилишдаги позицияси, шунингдек, пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегияси кенг ва очик муҳокамадан сўнг жамоатчилик, экспертлар, фуқаролик жамияти фаолларининг фикр ва тақлифлари инобатга олинган ҳолда қабул қилинган таъкидланди. Халқнинг хоҳиш-иродасини таъминлайдиган, аҳолини стратегик муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита жалб қилиш имконини берадиган механизмлардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган бу ҳужжат Ўзбекистон учун нўбб эканига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ўшбу Стратегиянинг асосий мақсадлари ШХТнинг хавфсизлиқни таъминлаш ва барқарор ривожланиш бўйича асосий йўналишлари, мақсад ва вазифаларига мос келиши кайд этилди. Ҳужжатда белгиланган мақсадларнинг ҳаётга босқичма-босқич таътиб этилиши қўшни мамлакатлар билан муносабатларни янада йўғнаштириш, Марказий Осиё минтақаси ва, умуман, ШХТ маконида тинчлик, барқарорлиқни мустаҳкамлаш имконини беради.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг асосий қоидаларига бағишланган тақдиримда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлик масаласини ҳал этиш, соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш ва маҳалла ролини янада оширишга қаратилган кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари тақдим этилган ахборотни ижобий баҳолади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилиши керак»лиги тўғрисидаги қатъий позицияси белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил эканини алоҳида таъкидлади.

ШХТ Форуми мажлисининг иштирокчилари тинчликни сақлаш, ҳамкорликда ривожланиш ва тенг ҳуқуқли муносабатлар, халқро ҳам-жамият билан мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш, минтақада ва, умуман, дунёда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлиги ҳусусида яқдил фикр билдирди. ШХТ маконида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик асосида ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттириш, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириш самарадорлигини юксалтириш муҳимлиги кайд этилди.

Мажлисида «ШХТ мамлакатлари: ҳамкорлик тенденциялари ва истиқболли», «Бугунги шароитда ШХТни ривожлантириш», «ШХТ: келажак учун цивилизациялараро альянснинг тимсоли», «ШХТ: Бир белбоғ, бир йўл»ни ташкил этиш учун муҳим майдон», «Афғонистондаги хавфсизлик: минтақавий ҳамкорлик учун имкониятлар ва таҳдидлар», «Афғонистондаги вазиятнинг бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг ёндашувлари», «ШХТга аъзо давлатлар инвестициявий жозибдорлигининг имкониятлари ва салоҳияти», «ШХТнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги: бугунги ҳолат, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ШХТга аъзо давлатлар ўртасида транспорт салоҳиятини ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти», «Туризм ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун асосий йўналиш» мавзуларида маърузалар тингланди.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг ШХТ Форуми-та раислигини юқори баҳолади ва уррашувлар давомидаги меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Форум Регламентига мўвафиқ, 2017-2018 йилларда Форумга раислик Қозоғистон Республикасининг ШХТ Минтақавий тадқиқот маркази мақомига эга Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти жамғармаси ҳузурдаги Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсат институтига ўтиши, ШХТ Форумининг навбатдаги мажлиси 2018 йил Қозоғистонда томонларнинг ўзаро қелишувига биноан белгиланган санада ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТ Форуми мажлиси янқуларни бўйича тегишли протокол имзоланди.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

ХОНҚА ТУМАН
КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди

Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Нигора Абдуллаева депутатлик фаолиятида аҳоли билан кўпроқ мулоқот қилиш, муурожаатларни тинглаш, ҳал этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келади. Бундан бир неча ой олдин унинг диққатини бир масала ўзига тортди. Сайловчилар билан учрашувлар, очик мулоқотлар, партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган муурожаатлар таҳлили ҳудудларда коммунал соҳада камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, чекка ҳудудларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарблигича қолмоқда.

Депутат ишга киришди. Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш керак, деган тўхтамга келди. Режасини туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоларига айтди. Бу таклифни ҳамма қўллаб-қувватлади ва назорат-таҳлил ишлари бошлаб юборилди.


Шу ўринда бир масалага тўхталиш ўринли, деб ўйлаймиз. ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини ошириш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партиямиз гуруҳлари бу йўналишда назорат-таҳлил ишларини олиб бормоқда. Аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар сессияларда муҳокама этиляпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан берилган маълумотларга кўра, мазкур йўналишдаги масалалар сессияларда кўриб чиқилгандан сўнг сув қувурлари ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш, қишлоқларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳукумат қарорлари ижроси, кўп қаватли уй-ҳойларни таъмирлаш ишларининг бориши, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратишга қаратилган

қарорлар ижроси кенг муҳокама этилиб, хато ва камчиликларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқияпти.

Масалан, Хоразм вилоятида аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш борасида қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Сўнгги йилларда соҳада тўпланиб қолган, аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар мутасадди ташкилотлар ва идоралар иштирокида босқичма-босқич ҳал этиляпти. Хусусан, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш мақсадида вилоятнинг Хонқа туманида бир қатор ишлар амалга оширилди. Янги қувурлар тортилди, аҳоли яшаш пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари мониторинг давомида ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллаларда



бўлиб, ҳақиқий аҳолини ўғранишди.

Маълум бўлишича, Амударё қишлоғи ҳудудига 1300 метр узунликдаги тоза ичимлик суви қувурлари ўтказилган бўлса-да, лекин ҳудуддаги 900 дан ортиқ хонадоннинг асосий қисми тоза ичимлик суви билан таъминланмаган.

Қорақош қишлоғи «Ҳайрат» маҳалласи ҳудудига 695 хонадон бўлиб, бу ерда 4200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. «Полвон» канали бўйида жойлашган эски сув етказиб берадиган қурилма бугунги кунда маҳалла аҳолисининг фақат 5 фоизга яқин қисмини сув билан таъминлайди. Яна бир жиҳати, бу сув тармоғи санитария талабларига жавоб бермайди. Чунки ер остидан ўтказилган қувурлар яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Мадир қишлоғи ҳудудига «Дўстлик» ва «Илғор» маҳаллаларида 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бироқ ўшбу маҳаллалардаги 1130 хонадоннинг тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси яхши эмас. Қишлоқ аҳолиси олис масофадан ичимлик суви ташиб келяпти.

Катта Жирмиз қишлоғида 2 та маҳалла бор. «Катта

куч» маҳалласида жойлашган «Миробод» пасёлкасида 60 хонадон бўлиб, уларнинг ичимлик суви таъминоти яхши эмас. Қишлоқда сув қувурлари ётқизилган бўлса-да, кейинги 10 йилдан ортиқ муддатда ўшбу тизим ишламасдан келмоқда.

2017 йилнинг 1 январидан қишлоқ аҳолисига вилоят сув тармоқлари қорхонаси томонидан махсус автотранспортларда тоза ичимлик суви келтирилади.

Туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи бу борадаги муаммолар ва уларнинг сабабларини атрофлича ўғраниб чиқди. Таклифлар тайёрлади. Масала Хонқа туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқилди.

Сессияда туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Депутатлар билдирган таклиф ва тавсиялар асосида сессия қарор қабул қилди.

Унга кўра, туман ҳокимиятининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун давлат бюджетидан

ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан тегишли чораларни кўриш вазифаси юқлатилди. Шунингдек, «Туямўйин-Урганч» минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасининг Хонқа туман бўлими бошлиғига аҳоли томонидан маълум қилинган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш вазифаси топширилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра, инсонларда учрайдиган касалликларнинг 30 фоизи нотоза ичимлик суви билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масаладир.

Яқинда Президентимизнинг «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ўшбу ҳужжат халқимиз, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада қулай ва муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, 2017-2021 йилларда мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг барна ҳудудларда сифатли ичимлик суви билан фойдаланишини таъминлашда ҳаётий аҳамият касб этади.

Барча даражадаги депутатлар қарор ижросини таъминлаш масаласига ҳиддий эътибор қаратиши, аҳоли муурожаатларини ҳал этишга катта масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ
БИЛАН МУЛОҚОТ

Одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини тинглаб, оғирини енгил қилиш барча даражадаги раҳбарлар ва депутатлар фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўшбу жараёнда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам қатор ташаббусларни илгари сурияпти. Партия Марказий Кенгаши томонидан турли лойиҳалар, акциялар ўтказилмоқда.

«Хар бир инсонга меҳр-муруват кўрсатиш бурчимиз!» лойиҳаси доирасида имконияти чекланган кишилар, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳолидан хабар олиниб, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашилмоқда. Жиззах вилоятининг 3-сон туманида ўтказилган тадбирда ҳам электорат вакиллари билан хонадонларига борилди. Партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Миллий академик драма театри актёрлари, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Жиззах вилоят ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Жиззах вилоят ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, депутатлар ва яна қатор ҳамкор ташкилотлар ходимлари, партия фаоллари электорат вакиллари билан суҳбатлар давомида ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни ўғранишга эътибор қаратди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар тўғрисида атрофлича тушунчалар берилди.

— Кўплаб хонадонларда бўялган, опа-сингилларимиз билан суҳбатлашармиз, уларнинг қундалик ҳаёт тарзига гувоҳ бўляпмиз, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова. — Учрашувлар давомида шунга амин бўлдики, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ошмоқда. Улар юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ислохотлар иштирокчисига айланиш истаги билан яшамоқда. Аксарият хотин-қизларимиз бекор ўтиришни ёқтирмайдилар. Қайси хонадонда бормайлик, уларнинг бирор-бир юмуш билан бандлигини кўряпмиз. Асосийси, оиласига, жамиятга наф келтириш иштиёқи билан ёнмоқда.

Ана шундай инсонларга яқин кўмакчи бўлишимиз, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишимиз лозим. Иш бошлаш ниятида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатишимиз керак. Хусусан, уйда ўтирган аёлларни касаначилик, оилавий бизнесга жалб қилиш, пенсия, нафақа пуллари ўз вақтида берилишини

таъминлаш масалаларида депутатлик ва жамоатчилик назорати қучайтирилмоқда.

— Каттабўғ маҳалласида яшовчи Марҳамат ва Назокат Самиевлар хонадонда томоққадан унумли фойдаланиш, чорва боқиш, боғдорчилик масалаларида суҳбат бўлди, — дейди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудири Жамилла Ёдгоровна. — Муурожаатлар депутатлар томонидан ёзиб олинди. Навбахор маҳалласида истиқомат қилаётган 2-гуруҳ ногирони Мавлуда Раҳмонова имтиёзли даволаниш бўйича ёрдам сўради. Мазкур муурожаат ҳам депутатлик сўрови юбориш орқали ҳал этиладиган бўлди.

Шу кунги ташкилотчилар Куччи қишлоғида яшовчи 92 ёшли Ўрозали Йўлдошовни йўқлашди. Отақонга ногиронлик аравачаси топширилди.

— Юртимизга кўз тегмасин. Тинчлигимиз, фаровонлигимиз абадий бўлсин, — дейди Ўрозали ота. — Ҳамиша эъозу эътиборда-миз. Маҳалладошлар, турли ташкилотлар вакиллари ҳолимдан хабар олиб туришади. Мана шу ташаббусни йўлга қўйганлардан миннатдорман.

Хар бир хонадон эгаларига ҳомийлар томонидан озиқ-овқат махсулотлари, рўзгор буюмлари тарқатилди. Оилавий тадбиркорлик, касаначилик меҳнати билан шуғулланиш нияти бор фуқароларга амалий кўмак бериладиган бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лойиҳа доирасидаги тадбирларда ногирон хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи диққат марказида турибди. Маҳаллий Кенгаши хонадонда томоққадан тегишли қорхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилляпти. Ижтимоий масалалар партиямиз гуруҳларида атрофлича ўғранилмоқда, таклифлар тайёрланмоқда. Муаммоларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш режалаштирилган.

Куннинг иккинчи ярмида ташкилотчилар тумандаги Муруват ногирон аёллар уйига боришди ва у ердаги опа-сингиллар билан суҳбатлашди. Улар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

— Бу ерда 322 нафар ногирон аёл яшайди, — дейди Муруват ногирон аёллар интернат уйи раҳбари Нишонбой Фозилова. — Уларга 6 нафар малакали шифокор, 80 нафар тарбиячи, 25 нафар ҳамшира хизмат кўрсатади. Давлатимиз томонидан аёлларнинг яшаш, озиқ-овқатлар билан таъминланиш учун барча шароит яратилган. Ҳомийлар томонидан турли концерт дастурлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади.

Шу кунги муруват уйида санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шавкат Солиҳов Хитой Фанлар академиясининг «Халқаро илмий ҳамкорлик учун» мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Фанлар академиясида ана шу мукофотни топириш маросими бўлди.

ЎЗБЕК ОЛИМИ ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Тадбирда дипломатик корпус вакиллари, Хитой Фанлар академияси делегацияси, олимлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Иброҳим Абдурахмонов, Хитой Фанлар академияси Шинжон физика ва кимё-техника институти директори Ли Шао ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, илм-фан соҳасида алмашилаётган ўзаро таъриб ушбу мукофот билан тақдирланиши ҳам Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиз илм-фан фойдалилигига бўлган чексиз ҳурмати намунаси.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биорганик кимё институти директори Шавкат Солиҳовнинг ушбу мукофот билан тақдирланиши ҳам Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиз илм-фан фойдалилигига бўлган чексиз ҳурмати намунаси.

Академик Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, оқсил кимёси, токсинлар кимёси ва биотехнология соҳасида таниқли олим. Унинг илмий фаолияти табиатдан олинган биологик актив токсинлар, ферментлар ва бошқа моддаларнинг тузилиши ва функцияларини ўрганишга қаратилган бўлиб, фанда биринчи марта ўрта Осиё ҳайвонлари захарларидан токсик хоссаларга эга бўлган 50 дан ортиқ физиологик фаол оқсил ва пептидлар ажратиб олинган. Шулардан 15 модданинг кимёвий структураси аниқланган. Олим раҳбарлигида 70 дан ортиқ ўсимликдан 150 дан ортиқ фан учун номаълум бўлган полифенол табиатли биологик фаол моддаларнинг кимёвий таркиби аниқланиб, улар асосида ҳозир мамлакатимиз тиббиёт амалиётида кенг қўлланилаётган вирусларга, шамоллашга қарши ҳамда қон тўхтатувчи дори-дармон препаратлари яратилган. Пахта чигитидан госсипол моддасини ажратиб олиш ва уни катта миқдосда ишлаб чиқариш технологиясини яратишда ҳам олимнинг хизматлари катта.

— Хитой Фанлар академияси билан самарали ҳамкорлик ва иқтидорли илмий ходимларни тайёрлаш йўлида қилган хизматларимни ҳамкорларимиз юксак баҳолаганидан беҳад мамнунман, — дейди Ш.Солиҳов. — Ҳали қилинажак ишларимиз кўп. Йирик тадқиқот лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти лавозимида ишлаган кезлари, айниқса, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашувига катта ҳисса қўшди. Академик Германия, Жанубий Корея, Россия, Хитой Халқ Республикаси сингари давлатлар илмий муассасалари билан халқаро илмий-техник дастурлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатаётди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири.

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур ярмаркада анъанавий беш йўналиш — саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, шунингдек, фан-таълим соҳалари учун 500 дан ортиқ инновацион ғоя, технология ва лойиҳа намойиш этилди.

— Бу йилги ярмаркада 88 та инновацион ишланма билан қатнашдик, — дейди Исроф Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий ишлар бўйича проректори Ботир Мирзахмедов. — Уларнинг 67 таси профессор-ўқитувчи, 21 таси ёш олимлар ишланмалари ҳисобланади. Ярмаркада мамлакатимизда етакчи бўлган «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекнефтегаз» Бухоро филиали, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар билан қиймати 450 миллион сўмдан ортиқ бўлган шартномалар имзоланди. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимлар томонидан тақлиф этилаётган рационализаторлик тақлифлар, инновацион ишланмалар ҳамда техник лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида университетимизда «Ихтирочи ёшлар мактаби» ташкил қилинган. Ҳозирги вақтда ёш ихтирочилар махсус жиҳозланган хоналар ва илмий лабораторияларда ўз ишланмалари устида изланишлар олиб

бориб, ярмаркалар, кўргазма, танлов ва анжуманларда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, ярмаркада тақлиф этилаётган илмий ишланмалар асосан ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб, тайёрланган кўпроқ шартномалар имзоланишига имкон яратмоқда.

— Биз ярмаркада шўрланган тупроқда ўса оладиган, озиқ-овқат ва фармацевтика соҳасида ноёб табиий хусусиятга эга бўлган амарант ўсимлиги билан қатнашмоқдамиз, — дейди Андижон давлат университети физика-математика факультети доценти Мўйдинжон Мўминов. — БМТ амарантни XXI асрнинг маданий ўсимлиги, деб эътироф этган. Ҳозиргача кит ва акуланнинг жигаридан олинаётган, тиббиётда бебаҳо ҳисобланадиган сквален моддаси амарант ўсимлигининг мойида аниқлангани муҳим кашфиётлардан биридир. Ушбу модда анемия, юрак ишеми, онкологик касалликларнинг олдини олиш ҳамда қонни тозалаш, инсонни ёшартириш хусусиятларига эга. Бундан ташқари, амарант баргларидан озиқ-овқат маҳсулотлари,



Фаруқ АЛИЕВ оғил суратлар.

поясидан ем-хашак сифатида фойдаланиш, донидан ёғ ва кунжара олиш мумкин.

— Бугунги кунда хизмат кўрсатиш ҳамда савдо нуқталарини терминаллар билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб турибди, — дейди «Matonat trans servis» МЧЖ директори Улуғхўжа Эргашхўжаев. — Биз онлайн режимида ишлайдиган, бир қанча вазифани бажара оладиган терминал яратдик. Масалан, бу қурилма биргина таксиларда қўллansa, манзил танланганида, энг яқин йўл ва масофани кўрсатади, видеога олади, электрон тўлов орқали тўловни қабул қилади. Назорат қилувчи оператор барча жараёни кузатиб бориши ва мижозлардан телефон орқали чақирув олинганида манзилга энг яқин бўлган таксини юбориши мумкин.

Х инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ёш олимлар, тадқиқотчилар, талабаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ярмаркада ёш олим ва талабалар яратган 100 дан ортиқ ишланма намойиш этилди.

Шунингдек, ярмарка доирасида III Тошкент халқаро инновацион форуми ҳам бўлиб ўтди. Форумнинг асосий мақсади — дунёда инновация тизимларининг ривожланиш тенденциялари, инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш, миллий инновация тизими-

ни шакллантиришда турли омилларнинг ўрнини аниқлаш ҳамда Ўзбекистонни инновацион фаоллиги юқори бўлган ҳудудга айлантиришга қўмаклашишдан иборат.

Бу йилги форум доирасида Ўзбекистон ва Германиянинг инновациялар соҳасидаги ҳамкорлиги бағишланган «Ўзбек-немец инновация мулоқоти — билимларга асосланган жамият қуриш келажиги» мавзусида халқаро конференция ҳамда давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Унда Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатлар, Жаҳон банки, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари ва экспертлари иштирок этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ярмаркада қиймати 22 миллиард сўмдан ортиқ 350 дан зиёд шартнома имзоланди.


Турли хил номинациялар бўйича ғолибларга Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари, 3 миллион сўмлик пул-мукофотлари, «Ўзтелеком» АКнинг 1 йилга «интернетдан» бепул фойдаланиш ҳуқуқини берадиган сертификатлари, Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медал ва эсдалик нишони, шунингдек, Ўзбекистон фан ва технологиялар агентлигининг фахрий ёрлик ва сертификатлари топширилди.

Шухрат ИСЛОМОВ

Ўқув қўлланма

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Гулбаҳор Искандарова ҳамда Жонгянг Минцу университети ўқитувчиси Гулибонум Кейбатули томонидан 2016 йилда яратилган «Ўзбек тили» дарслиги қисқа вақт ичида хитойликлар орасида машҳур бўлиб кетди.

ХИТОЙДА «ЎЗБЕК ТИЛИ» ДАРСЛИГИ ЯРАТИЛДИ



— Бу каби китобларни тайёрлашда муаллифнинг ҳар икки тилини билиши жуда муҳим, — дейди Гулибонум Кейбатули. — Гулбаҳор Искандарова ихчамлиги хитой тилини ҳам, ўзбек тилини ҳам яхши билганимиз учун ҳамма учун тушунарли, содда қўлланма яратишга интилдик. Мазкур китобнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ундан ўзбек тилидан умуман, хабари йўқ хитойлик фойдаланганда ҳам бемалол ўзбек тилини ўрганиши мумкин.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бугунги кунда икки давлатда ҳам тил ўрганиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда хитой тилини ўрганиш истагида бўлган ёшлар сафи тобора ортмоқда. 2014 йил январь ойида Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида (ҳозирда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети тасарруфиди) мустақил изланувчи сифатида фаолият кўрсата бошлагандим. Ўтган вақт давомида ўзбек тилини янада чуқурроқ ўрганишга, бу борадаги билимларимни оширишга ҳаракат қилдим.

Мазкур китоб бизнинг кўп йиллик изланишларимиз самарасидир. Келажакда биз ушбу китобнинг иккинчи қисмини ҳам тайёрлаймиз. «Ўзбек тили» китоби ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган хитойликлар учун муҳим қўлланма бўлиб қолишига ишонаман.

Темур АБЗАМ
тайёрлади.

Миллий матбуот марказида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА

янги техникалар жорий этилмоқда

«Ўзгротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган матбуот анжуманида республикада қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ягона тизимини ташкил этиш, сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини модернизация қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

— Президентимизнинг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзгротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарори фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди «Ўзгротехсаноатхолдинг»

акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Нодир Отажонов. — 2017 йилнинг биринчи чора-тадбирлари томонидан ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 183,2 фоизга етди. Хусусан, «Ўзгротехсаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида 107 трактор, 98 тир-кама, 128 омч, 613 чигит экиш сеялка, 350 культиватор ва 500 дан ортиқ бошқа техникалар ишлаб чиқарилди. «Ўзгрозинг» акциядорлик жамияти эса фермер хўжаликларида 2 минг 380 дона техника ва агрегати лизинг асосида етказиб берди. «Ўзгросервис» акциядорлик жамияти томонидан 7,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 10,1 миллиард сўмлик механизация хизматлари кўрсатилди.

Айни кунларда «Ўзгротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти Беларусь, Жанубий Корея, Франция ва бошқа давлатлар тадбиркорлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиб, 30 дан ортиқ турдаги янги техника воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжалламоқда. Хусусан, ем-хашак ўриш, тойлаш, озукани жойида майдалаб, тарқатиш, дуқакли ва сабзавот экинларини экиш, йиғиш техникалари ўсимизда тайёрланган.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИП ООО "AMKODOR-TASHKENT"
официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Автогрейдеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Автопогрузчики выносные (3 и 5 тонн)

3 года гарантии

Электропогрузчики выносные (1,2; 1,6; 2,5 тонны)

Электротележки (2-, 3-тонные)

Коммунально-уборочные машины

Катки вибрационные

Машины фрезерные

Погрузчик с телескопической стрелой

Узбекистан, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

Реклама

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+30/+20
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+40/+22
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+38/+22
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+40/+23
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+37/+20
Тошкент шаҳри	+36/+20

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HA'Y'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538

14582

naxsada bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Tohstemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010763008

1 2 3 4 5 6